

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**9** Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2015 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан давлат бошқа органларида ва ўзга ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларининг талаб қилиниши тақиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2015 йил 1 январдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматлари кўрсатиш юзасидан муурожаатлари мавжуд бўлганда ушбу давлат хизматларини кўрсатишда давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа органлар давлат бошқа органларида ва ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда оладилар;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу ҳужжатлар ва ахборотларни (архив маълумотномалари бундан мустасно) давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа органлардан тегишли идоралараро сўров олингандан вақтдан бошлаб бир иш кuni мобайнида тақдим этишлари шарт;

давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларнинг ушбу ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан идоралараро сўров бўйича тақдим этилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги тадбиркорлик субъектига давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди;

давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларнинг тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, шунингдек уларнинг тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи ёки бошқа ташкилот томонидан олинмаганлиги учун айбдор бўлган тегишли мансабдор шахслар жавоб берадилар.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи давлат

органлари ва бошқа ташкилотлар бир ой муддатда улар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган, ахборот ҳамкорлиги йўли билан олинadиган ҳужжатлар ва ахборотлар рўйхатини, ушбу ҳужжатлар ва ахборотларни тақдим этадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларни кўрсатган ҳолда белгиласинлар ҳамда кўрсатиб ўтилган рўйхатни Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари Ягона порталида ва ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирсинлар.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва ахборотлар рўйхати ўзларининг расмий веб-сайтларида ўз вақтида жойлаштирилиши ва мунтазам равишда янгиланган борилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Палата томонидан тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу қарорнинг бажарилиши ва сифати юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш, мониторинг натижаларини тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини, шу жумладан сансалорлик, бюрократизм ва давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини чўзиб юбориш ҳолатларига йўл қўймасликни назарда тутган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. 2015 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
377-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
2015 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда):

а) бешинчи хатбошидаги «ва Агентликнинг талабига кўра бошқа зарур ҳужжатлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Агентлик рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарори билан тасдиқланган Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмалари бериш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 1-модда):

а) III бўлимнинг 3-бандида:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«ердан фойдаланувчининг кон ажратмаси беришга розилигини тасдиқловчи ҳужжат»;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси кон ажратмаси бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

б) IV бўлимнинг 2-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарорида:

а) 1-иловада:

III бўлимнинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ер ажратмаси лойиҳасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

саноат йўли билан ўзлаштириш учун фойдали қазилмалар конини бериш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома нусхаси — нефть ва газ конлари учун, бундан ташқари уларни қазиб олиш лойиҳаси тасдиқланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш корхонасини қуриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтиришнинг белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳаси (кон ажратмаси бериш лойиҳаси кўриб чиқилгандан кейин фойдаланувчига қайтарилади);

ердан фойдаланувчининг ер ажратишга розилиги тўғрисидаги дастлабки ҳулосаси;

бўйсунувига кўра юқори ташкилотнинг ер ажратмаси бериш тўғрисида илтимосномаси (табиатдан фойдаланувчи мустақил бўлса ушбу илтимоснома талаб қилинмайди).

Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси кон ажратмаси бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

IV бўлим 2-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 3-илова II бўлимининг 5-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 42-модда):

а) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси санациядан ўтказиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сон қарори билан тасдиқланган Гиёҳхандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 44-модда):

а) 3-бандда:

«г» кичик бандидаги «(импорт қилувчи)нинг» сўзлари «(импорт қилув-

чи — Ўзбекистон Республикаси (норезидент)нинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд қўшилсин:

«3¹. Соғлиқни сақлаш вазирлиги сертификат бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

в) 6-бандда:

«учун лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этилган ҳолда» чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Божхона органлари ҳисобга қўйиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган Объектлар қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айна бир вақтда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда):

а) еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда):

а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан

тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда):

а) 9-банд «а» ва «б» кичик бандларининг учинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси»;

б) қуйидаги мазмундаги 9¹-банд қўшилсин:

«9¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда):

а) 7-банднинг «е» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 7¹-банд қўшилсин:

«7¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда):

а) 8-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамлари, муассислар (қатнашчилар) рўйхати, уларнинг манзили ва фаолият турлари»;

«д» ва «ж» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 8¹-банд қўшилсин:

«8¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда):

а) 1-иловада:

7-бандга қўйидаги мазмундаги «е» кичик банди қўшилсин:

«е) лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарнинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан лицензия талабгорида мавжудлиги»;

10-бандда:

«г» кичик бандидаги «бинолар, иншоотлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Департамент лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 2-иловада:

7-бандга қўйидаги мазмундаги «е» кичик банди қўшилсин:

«е) лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарнинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан лицензия талабгорида мавжудлиги»;

10-бандда:

«г» кичик бандидаги «бинолар, иншоотлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Департамент лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандга қўйидаги мазмундаги «ж» кичик банди қўшилсин:

«ж) ўзининг дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳноманинг мавжудлиги»;

б) 9-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ёки депозитар фаолиятни амалга оширишга ўз дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхасини» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 15-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ёки ўз дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ёки клиринг фаолиятни амалга ошириш бўйича ўзининг дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхасини» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) қуйидаги мазмундаги 15¹-банд қўшилсин:

«15¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 9 — 12, 14 ва 15-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда):

а) 1-иловада:

11-банднинг «д» кичик бандидаги «бинолар, хоналар» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 11¹-банд қўшилсин:

«11¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарнинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан лицензия талабгориди мавжуд бўлиши»;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

12-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги «бинолар, иншоотлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

а) олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 113-модда) билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) куйидаги мазмундаги 8¹-банд қўшилсин:

«8¹. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандда:

куйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган хоналар (ишлаб чиқариш хоналари, омборлар, ёрдамчи хоналар ва бошқаларнинг) мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда лицензия талабгорида мавжуд бўлиши»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 6-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Лицензия талабгори лицензия олиш учун лицензияловчи органга куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда куйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган фаолиятнинг лицензияландиган тури;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

лицензия талабгори аризасининг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгорида махсус касбий тайёргарликка эга бўлган ходимларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

лицензияланаётган фаолият амалга ошириладиган асбоб-ускуналар тўғрисидаги маълумотлар;

лицензия талабгорининг ишлаб чиқариш хоналарида бойликларнинг сақланиши режими ҳолати тўғрисида ички ишлар ҳудудий органларининг ҳулосаси.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 124-модда):

а) 1-иловада:

31-банднинг тўртинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Агар хоналарга ва (ёки) очик майдончаларга эгалик қилиш ижара шартномаси асосида амалга оширилса, у ҳолда бундай шартноманинг амал қилиш муддати лицензия бериш тўғрисида ариза берилган санадан бошлаб бир йилдан кам бўлмаслиги керак»;

35-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 2-иловада:

28-банднинг тўртинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Агар хоналарга ва (ёки) очик майдончаларга эгалик қилиш ижара шартномаси асосида амалга оширилса, у ҳолда бундай шартноманинг амал қилиш

муддати лицензия бериш тўғрисида ариза берилган санадан бошлаб бир йилдан кам бўлмаслиги керак»;

31-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

в) 3-иловада:

7-банддаги «эғалигида» сўзидан олдин «(мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан)» сўзлари қўшилсин;

22-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро

ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандида:

- а) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
- в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Давлат божхона хизмати органлари ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда) 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «нотурар жой фондининг» сўзларидан кейин «жисмоний шахсларга тегишли бўлган» сўзлари қўшилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

- а) 10-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) қуйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сонлар, 50-модда) билан тасдиқланган Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандида:

- а) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ариза берувчи ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси»;

- б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рўйхатдан ўтказувчи орган Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 11-бандида:

а) еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар қўйидаги мазмундаги еттинчи — ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«санитария-эпидемиология назорати органларининг маҳсулотлар, ишлаб чиқариш шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

технология асбоб-ускунасига гигиена сертификатларининг нусхалари; ишлаб чиқаришнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳудудий органларининг хулосаси;

ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ёнғин назорати органларининг хулосаси;»;

б) ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 10-банди «д» ва «е» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 9-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Лицензия талабгори лицензия олиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи

(почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятининг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланаётган тури;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларнинг белгиланган талабларга мувофиқ мавжудлиги тўғрисида «Ўзстандарт» агентлигининг хулосаси;

лицензия талабгори аризасининг кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

санитария-эпидемиология назорати органларининг махсулотлар, ишлаб чиқариш шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек технологик асбоб-ускунага гигиена сертификатларининг нусхалари;

ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ёнғин назорати органларининг хулосаси;

корхонанинг Комиссия томонидан белгиланадиган шакл бўйича паспорти.

Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 765-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

тахририят тўғрисидаги низомнинг нусхаси — оммавий ахборот воситаси тахририяти юридик шахс бўлмаган ҳолларда;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати.

Рўйхатдан ўтказувчи орган оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати бундан мустасно».

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) қуйидагиларнинг:

ташкilot раҳбари ҳамда соҳа бўйича маълумотга, шунингдек меҳнат дафтарчаларига (нотариал тасдиқланган) эга бўлган асосий ходимлар (бош

муҳандислар ва лойиҳа архитекторлари, бош ҳамда етакчи мутахассислар) дипломларининг;

мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва инвентарларнинг талабгорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари»;

б) қуйидаги мазмундаги 8¹-банд қўшилсин:

«8¹. «Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари 94-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маиший истеъмолчиларга тегишли бўлган уй-жойлар, турар жой ва нотурар жой фонди хоналарининг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг ҳисоб рақамларини бошқа истеъмолчига қайта расмиёлаштириш фақат электр энергияси учун қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида белгиланган намунадаги маълумотномалар бор бўлган тақдирдагина амалга оширилади».

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 15-бандида:

а) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«фаолиятнинг лицензияланаётган турлари бўйича кўрсатилган барча зарур ишларни лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ амалга ошириш учун моддий-техника база тўғрисидаги маълумотлар (ички ишлар органларининг техникани кўриқлаш пункти томонидан кўриқлашга қабул қилинганлик шартномаси ҳамда пиротехника буюмлари омборининг паспорти, пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ёки утилизация қилиш учун иншоотлар ва асбоб-ускуналарни қабул қилиш далолатномаси, яшидан ҳимоя қилиш, кўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларини фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари)»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ишчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлари ва ахборотлар бундан мустасно».

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-бандида:

- а) ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) ўн саккизинчи хатбоши ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
- в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Нархларни тартибга солувчи орган товарга нархни (тарифни) декларация қилиш (тасдиқлаш) учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

- а) 9-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) қуйидаги мазмундаги 12¹-банд қўшилсин:

«12¹. Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат рўйхатидан ўтказиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 9 — 11-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

- в) 18-бандга қуйидаги мазмундаги «е» кичик банди қўшилсин:

«е) фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш ҳуқуқига зарур рухсатномалар (лицензиялар)нинг мавжуд эмаслиги, агар бундай рухсатнома (лицензия) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ талаб этилса».

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) «а» кичик бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахс учун — номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), хизмат кўрсатадиган банкнинг номи, банкдаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами, муассисларининг (қатнашчиларининг) рўйхати, уларнинг манзиллари ва фаолияти турлари»;

- б) «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) лицензия талабгорининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси».

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 майдаги 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 35-модда) билан тасдиқланган

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ваколатли орган сертификат бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 10-сон, 81-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандда:

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси»;

олтинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Махсус ваколатли орган рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «8 ва» сўзлари «4, 8 ва» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 86-модда) билан тасдиқланган Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«ишларнинг айрим турларини амалга оширишга ҳуқуқ берувчи лицензия (мавжуд бўлганда)»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 8-банднинг ўн иккинчи — ўн олтинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«ариза берувчи ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хужжат;

аттестация бўйича ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулк ва асбоб-ускуналарнинг мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар;

аттестация бўйича ишларни бажариш учун жалб этиладиган ёки жалб этиш режалаштирилаётган ходимларнинг лавозим йўриқномалари.

Ваколатли орган рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур хужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган хужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–312-сон Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 18-модда):

а) 1-иловада:

18-банднинг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин; қуйидаги мазмундаги 19¹-банд қўшилсин:

«19¹. «Лицензияловчи орган рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур хужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 18 ва 19-бандларида назарда тутилган хужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 2-иловада:

12-банднинг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин; қуйидаги мазмундаги 12¹-банд қўшилсин:

«12¹. Ишчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур хужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган хужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Умумий овқатланиш корхоналари алкоғолли маҳсулотни сотишни фақат:

ушбу Низомга мувофиқ берилган рухсат гувоҳномаси;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси;

ёнғинга қарши, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлган омборхоналарга ва асбоб-ускуналарга эга бўлган ўзининг ёки ижарага олин-

ган умумий овқатланиш объекти мавжуд бўлганда амалга оширадилар. Бунда умумий овқатланиш объектлари таълим, спорт ва диний муассасалар худудларида, жамоат транспорти бекатларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари худудиди, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ошхоналарида жойлашмаган бўлиши керак»;

б) 5-бандда:

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ишчи орган рухсат гувоҳномаси бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

в) 12-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«рухсат гувоҳномаси бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

ариза берувчининг ушбу Низом талабларига номувофиқлиги».

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 92-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг «д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Лицензияловчи орган рухсат гувоҳномаси бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июндаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудиди бадий фильмларни кино- ва видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ариза берувчи томонидан кино- ва видеотасвирга олиш учун жалб этиладиган маҳаллий ташкилот билан тегишли хизматлар кўрсатиш учун тузилган шартнома нусхаси»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Агентлик рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда

олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 9-бандга қуйидаги мазмундаги «г» кичик банди қўшилсин:

«г) ариза берувчи томонидан кино- ва видеотасвирга олиш учун жалб этиладиган маҳаллий ташкилотнинг бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион кино- ва видеофильмларни ҳамда дастурларни ишлаб чиқаришга тегишли лицензияси мавжуд бўлмаса рухсатнома бериш рад этилиши мумкин».

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда) билан тасдиқланган Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 56-банднинг «д» ва «е» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 56¹-банд қўшилсин:

«56¹. Инспекция қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 56-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июндаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартибларини амалга оширишда ахборот тизимининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг «г» ва «д» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 13¹-банд қўшилсин:

«13¹. Инспекция қурилиш объектларини рўйхатга олиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-иловада:

2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: ваколатли органлар сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни мах-

сус истеъмол қилишга рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу иловада назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 18-иловада:

2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: ваколатли органлар сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу иловада назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 60-модда):

а) 1-илованинг 25-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Монополияга қарши орган молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 5-иловада:

13-банднинг учинчи хатбошидаги «юридик шахс учун — барча ўзгартиришлар ҳисобга олинган таъсис ҳужжатларининг нусхаларини ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

14-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«хўжалик юритувчи субъектнинг номи, жойлашган жойи, унинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва жойи, устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялари (улушлари) миқдори ёки инвестор оладиган бошқа мулккий ҳуқуқларнинг миқдори;

хўжалик юритувчи субъектнинг ариза берган вақтдаги муассислари (қатнашчилари) таркиби ва уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлари миқдори тўғрисидаги маълумотлар»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 декабрдаги 344-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 96-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

а) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 8¹-банд қўшилсин:

«8¹. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:

«а» кичик бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

«б» кичик бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

«в» кичик бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Ваколатли органга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва диний ташкилотлардан ўз

юретишидаги масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда зарур ҳужжатлар ва ахборотларни сўраш ва олиш ҳуқуқи берилади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

49. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларининг банк иши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 24-модда):

а) 1-иловада:

29-банднинг «г» кичик бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси норезиденти — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг (ёки ундан кўчир-манинг) ва унинг таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси»;

қўйидаги мазмундаги 29¹-банд қўшилсин:

«29¹. Марказий банк олдиндан рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

б) 2-илованинг 6-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Марказий банк сертификат бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

в) 5-иловада:

3-банднинг «и» — «н» кичик бандлари тегишли равишда «ж» — «л» кичик бандлар деб ҳисоблансин;

4-банднинг «д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги 4¹-банд қўшилсин:

«4¹. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси хулоса бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

г) 6-иловада:

7-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган товар белгиси ва/ёки хизмат кўрсатиш белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг мавжудлиги»;

8-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси»;

саққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Марказий банк гувоҳнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

50. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 апрелдаги 97-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 21-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 21¹-банд қўшилсин:

«21¹. Худудий ишчи орган Реестрга киритиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно».

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 156-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи-бешинчи хатбошилар қўшилсин:

«ариза берувчи томонидан фаолиятнинг лицензияланадиган тури амалга оширилган ҳолатда — лицензиянинг мавжудлиги;

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш мўлжалланаётган ариза берувчига тегишли бино ва хоналарга бўлган мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг мавжудлиги»;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларга ёки қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ариза берувчи — юридик шахс томонидан Асиллик даражасини белгилаш палатасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун ушбу Низомнинг 4-ило-
васига мувофиқ шакл бўйича ариза;

юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳно-
манинг нусхаси;

юридик шахснинг фаолияти хусусиятига мувофиқ ўлчовлар доирасида
«Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан берилган тарозилар, (турли
оғирликдаги) тошларнинг текширилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нус-
хаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оши-
риш мўлжалланаётган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ-
лиги тўғрисида давлат ёнғин назорати органлари хулосасининг нусхаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш мўлжал-
ланаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари
билан ажратилган объектлар учун объектнинг техникавий мустаҳкамлиги
ҳамда унинг шартнома асосида техникавий қўриқлаш пултига уланганлиги
юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ҳудудий органлари ҳузу-
ридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан объектни текшириш далолатно-
масининг нусхаси;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чи-
қиш ва уни бериш учун йиғимлар тўлангани тўғрисидаги тўлов ҳужжати-
нинг нусхаси»;

в) 9-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — олтин-
чи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) қўйидаги мазмундаги 9¹-банд қўшилсин:

«9¹. Асиллик даражасини белгилаш палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳ-
номасини бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур
ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорли-
ги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу
Низомнинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар
бундан мустасно».

52. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 76-модда) билан тасдиқланган
Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларида:

а) 17-бандга қўйидаги мазмундаги «ж» кичик банди қўшилсин:

«ж) агар оммавий тадбирнинг ўтказилиши лицензияланадиган фаолият
турларини амалга ошириш ва (ёки) рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат
олинишини талаб қилувчи ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлса,
фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ва (ёки) ҳаракатларни бажар-
иш ҳукуқини берувчи лицензия (рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат)-
нинг мавжудлиги»;

б) 21-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) қўйидаги мазмундаги 21¹-банд қўшилсин:

«21¹. Комиссия оммавий тадбирлар ўтказишга рухсат бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно»;

г) 2-илова 13 бандининг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.